# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 6 февраль, № 25 (6208) **Жума**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, "электрон ҳукумат" тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

**ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, "электрон ҳукумат"ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш,** ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг полосали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, **алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишни давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш**;

"электрон ҳукумат"ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;

**Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш,** мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;

рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;

алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самарали фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилиши, "электрон ҳукумат" хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари **вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади**.

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 4, 5 ва 8-бандлари бундан мустасно.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 февраль

САЙЛОВ — 2015

*Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Хусусан, жойларда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг сессиялари ўтказилиб, унда Президент сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни тавсия этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаяпти.*

## Участка сайлов комиссиялари шакллантирилмоқда

Навоий вилоятидаги туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилишининг, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар иштирокининг асосий шакли экани алоҳида қайд этилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос келадиган сайлов тизими шакллантирилди. Мустақил сайлов комиссиялари тизими яратилгани сайловларнинг миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, қонунийлик, ошкоралик, холислик ва адолатлилик тамойиллари асосида ўтказилишида мустаҳкам замин бўлмоқда.

— Мамлакатимизда сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган, — дейди халқ депутатлари Қизилтепа тумани Кенгаши депутати Умар Раҳмонов. — Сайлов жараёнини ушбу ҳуқуқий қоидаларни амалиётда тўғри қўллаган ҳолда, юксак даражада ташкил қилиш фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга оширишда участка сайлов комиссиялари аъзоларига катта масъулият юкланади. Шу боис участка сайлов комиссиялари таркибига ҳар жиҳатдан муносиб номзодларни тавсия этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бугунги сессияда туманимизда ташкил қилинадиган 33 та участка сайлов комиссияси аъзолиги учун эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган, катта меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга номзодлар кўрсатилди.

Умуман, Навоий вилояти бўйича туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 333 та участка сайлов комиссияси таркибига номзодлар тавсия этилади.

Фарғона вилоятида ҳам Президент сайловига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайлов округи ҳудудида 947 та сайлов участкаси тузилди. Мазкур сайлов участкаларининг чегаралари, уларнинг манзили ва сайловчилар сони тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Шу кунларда вилоятнинг 15 та туман ва 4 та шаҳар Кенгашлари сессияларида участка сайлов комиссиялари таркибига тавсия этиш учун номзодлар танланиб, округ сайлов комиссиясига тақдим қилинаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

САРҲИСОБ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

## Пировард мақсад — ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш

Таъкидландики, юртимизда ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мазкур соҳа вакиллари фаолиятини ривожлантиришда айни муддао бўлмоқда. Ушбу жараёнда Савдо-саноат палатаси ҳам ўз хизмати ва моддий кўмаги билан муносиб иштирок этаяпти. Ўтган йили палата мутахассислари томонидан тадбиркорлик субъектларига ҳужжатлар тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоботини юритиш, бизнес-режа ишлаб чиқиш, ахборот ва маслаҳат бериш бўйича 1 миллиард 195,1 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилгани бунинг далолатидир.

Шунингдек, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" сингари лойиҳалар амалиётга жорий этилиб, жойларда "Ёш тадбиркор" маслаҳат марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Айтиш мумкинки, бу навқирон авлод вакилларини бизнесга жалб қилишда қўл келди.

Бугунги жадал тараққиёт даврини халқаро ҳамкорлик муносабатларисиз тасаввур этиш мушкул. Шу боис палата юртимиз тадбиркорларининг жаҳон бозорига дадил кириб боришига кўмаклашиш мақсадида ҳам талайгина ишларни амалга оширмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## ҚУЛАЙ ШАРОИТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТ

### кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаяпти



*Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили*

**500**

*дан зиёд янги корхона, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди.*




ИСЛОҲОТ

Дарҳақиқат, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нафақат мамлакат тараққиётини белгиловчи, балки уни дунё бозорига танитувчи муҳим восита сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Шу боис юртимизда ушбу соҳа ривожига катта эътибор қаратилаяптики, бунинг самарасига амалда барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида тадбиркорларимиз томонидан, асосан, хом ашё ёки ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилар, у ҳам бўлса, яқин қўшни давлатларгагина сотилар эди, холос. Бугунги кундаги манзара эса тамомила бошқача. Хусусан, ишбилармонларимизнинг ҳамкорлик доираси кенгайиб, улар тайёрлаётган маҳсулотлар жаҳоннинг деярли барча минтақасига етказиб берилмоқда. Бу — юртимиз тадбиркорларини дунё танимоқда, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги маҳсулотларнинг харидорлари тобора ортаяпти, деганидир.

**(Давоми 2-бетда).**

## Инсон ҳуқуқларини таъминлаш — устувор вазифа

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

ЖАРАЁН

Парламент аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда Омбудсман томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, 2014 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар муҳим босқичга кўтарилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидалари ҳаётга изчил татбиқ қилиниб, қонун чиқарувчи олий орган ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг ҳукумат ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифаларини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимини ислоҳ этиш, кўппартиявийлик асосидаги адолатли сайловларни таъминлаш, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Участка сайлов комиссиялари шакллантирилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган сессиясида шаҳардаги участка сайлов комиссиялари учун номзодлар қизғин муҳокамалар асосида танланди ва уларни округ сайлов комиссиясига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, — деди шаҳар Кенгаши депутати Феруза Хамалова. — Округ сайлов комиссиясининг бу борадаги қарори қабул қилингач, комиссиялар аъзолари сайловчилар рўйхатини шакллантириш ҳамда участка сайлов комиссияси фаолиятига доир бошқа ишларга киришади.

Самарқанд вилоятида ҳам участка сайлов комиссияларини шакллантириш ишлари изчил олиб борилмоқда.

— Қўшработ тумани бўйича Президент сайловини ўтказувчи 40 та сайлов участкаси тузилган, — деди туман Кенгаши депутати Нормўмин Усмонов. — Депутатларимиз қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан участка сайлов комиссиялари аъзолигига кўрсатилган номзодларни атрофлича ўрганиб чиқди ва сайловни қонунчиликка мувофиқ, юксак савияда ташкил этиш учун участка сайлов комиссиялари бўлғуси аъзоларини уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, жамият ҳаётидаги фаол иштироки, шахсий фазилатлари ҳамда олдинги сайловларда тўплаган тажрибасини инобатга олган ҳолда, округ сайлов комиссиясига тавсия этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси томонидан ҳам миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 872 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, уларда 1 миллион 905 мингдан зиёд сайловчи овоз бериши кутилаяпти. Бунинг учун сайлов участкаларида барча шарт-шароит яратилиб, улар зарур техника воситалари ва жиҳозлар билан таъминланмоқда.

— Сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда, очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилишида участка сайлов комиссияларининг ўрни ҳамда аҳамияти бениҳоя катта, — деди халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутати Дилобар Мўминова. — Мазкур жараёнда сайлов комиссияси аъзоларининг мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти борасидаги билим ҳамда кўникмалари ғоят муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, туманимиздаги мавжуд 92 та участка сайлов комиссияси таркибига энг муносиб номзодларни тавсия қилдик.

— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларининг қонунчиликка қатъий риоя этилган ҳолда, юксак савияда ташкил қилинишини таъминлаш асосий вазифамиздир, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси масъул котиби Сирожиддин Бобоқулов. — Шу муносабат билан участка сайлов комиссиялари таркибига кiритиш учун маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриб чиқилиб, тавсия этилган номзодларни жиддий ўрганаяпмиз. Хулосамиз шуки, таклиф қилинаётган номзодларнинг аксарияти жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан танлаб олинган ва улар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича етарли тажрибага эга. Бу эса мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбирни юқори даражада ташкил қилиш ва ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни тавсия қилиш бўйича халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг мажлислари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Инсон ҳуқуқларини таъминлаш — устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятида ўз аксини топди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича ахборот-маърифий ишларни олиб бориш, фуқаролар мурожаатлари асосида уларнинг манфаатларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш масалалари устувор вазифалардан бўлди.

Йиғилишда фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш Омбудсман фаолиятида асосий ўрин тутиши қайд этилди. Чунончи, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га фуқаролардан 12 мингга яқин мурожаат келиб тушди ва уларнинг барчаси тегишли тартибда кўриб чиқилди. Натижада кўплаб фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланишига эришилди.

Ҳисобот даврида одил судловни амалга ошириш, суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилгани таъкидланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил манзилига фуқаролардан келаётган мурожаатларни ўрганиш қатор ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни аниқлаш имконини берди. Фуқароларнинг уй-жойга, ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши ана шулар жумласидан. Шунингдек, оилалар, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш доимий диққат-эътибордаги масалалардандир.

Омбудсманнинг мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунларни такомиллаштириш, ижросини мониторинг қилиш борасидаги фаолияти ҳам таҳлил этилди. Хусусан, 15 дан ортиқ қонун лойиҳаси халқаро андозаларга мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси мониторинги натижалари бўйича таҳлилий маъруза тайёрланган.

Тадбирда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги хусусида ҳам сўз борди. Қайд этилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, у жамиятда қонун устуворлиги, инсоннинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Сифати буюртмачиларга маъқул

*Шуманай туманилик тадбиркор Руслан Жарилқасинов ташкил этган "Инвест сервис-Шуманай" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган дастлабки маҳсулотга Кўнғирот сода заводи харидор бўлди.*

Гап шундаки, тумандаги "Шуманай" овул фуқаролар йиғини ҳудудида бўш ётган бино таъмирланиб, хориждан замонавий ускуна келтирилиб ўрнатилди. Пировардида бу ерда йилига 3 миллион дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Ушбу лойиҳа рўёбига 134 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтирилди, — дейди Р. Жарилқасинов. — Шу билан бирга, 20 нафар маҳаллий йигит-қизни иш билан таъминладик. Қувонарлиси, етказиб бераётган маҳсулотларимиз сифатидан буюртмачиларимиз мамнун бўлмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Коллеж битирувчилари ишга таклиф этилди

*Термиздаги "Камазул-Сайдул" масъулияти чекланган жамиятининг шаҳар бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборган сўровномасига асосан, 37 нафар коллеж битирувчиси икки ойлик курсларда ўқитилиб, тикувчилик кўникмаларини эгаллади.*

Шундан сўнг корхона уларни меҳнат жамоаси сафига қабул қилди.

— Ўтган йили Термиз шаҳрида саккиз маротаба меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 600 га яқин фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланди, — дейди Термиз шаҳар бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Низомиддин Ҳамроев. — Эътиборлиси, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишда коллеж битирувчилари билан тузилган уч томонлама шартномалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Устахона ўрнида корхона

*Ёш оила соҳиблари Фотима ва Нурмуҳаммад Эшқуловларга меҳмонхона мебеллари тўплами маъқул келди. Маҳсулот ёрлиғидаги ёзувлардан бу жиҳозлар Зангиота туманидаги "Meduza star" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилганини билишгач, қизиқишлари янада ортди.*

Мазкур корхона раҳбари Абдумалик Набиев ишни дастлаб оддий дурадгорлик устахонасида рўзғорбоп буюмлар ясашдан бошлаган эди. Айни пайтда у бошчилик қилаётган жамоада 10 дан ортиқ ишчилар меҳнат қилмоқда. Тайёрланаётган мебеллар сифати ва дизайни хорижникидан қолишмайди.

Яқинда корхонага янги туркумдаги мебелсозлик ускуналари келтирилиб ўрнатилгач, ишлаб чиқариш жараёни енгиллашиб, маҳсулотлар сифати янада яхшиланди. Натижада замонавий услуб ва кўринишдаги ётоқхона ҳамда меҳмонхона мебеллари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда Зангиота туманида худди шу каби кичик бизнес субъектлари сони 3 мингтадан ортди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳарорат мўътадиллигини таъминлайди

*Гипс — биноларни пардозлашда кенг қўлланиладиган қурилиш ашёси. У ёзда салқин, қишда эса иссиқ ҳароратни сақлаб туриш хусусиятига эга.*

Яқинда Хонқалик тадбиркор Мақсуд Рўзметов ташаббуси билан ташкил этилган "Фаррух замин савдо" хусусий корхонасида ҳам ана шундай қурилиш материали тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун 260 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар харид қилинди. Пировардида йилига 1 минг 500 тоннагача пардозлаш ашёси ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Томорқа эгаларига сервис хизмати

*Сирдарё вилоятида шахсий томорқа эгаларига сервис хизмати кўрсатувчи микрофирмалар ташкил қилишга киришилди.*

Улар хонадонларга кўчат, уруғлик, минерал ўғит ҳамда бошқа воситаларни етказиб бериш билан шуғулланади. Шунингдек, мазкур тадбиркорлик субъектлари аҳоли томорқасида етиштирилган мева-сабзавотларни ички ва ташқи бозорда сотиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

— Вилоят миқёсида 75 та ана шундай кичик агрофирма очилиши режалаштирилаяпти, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Мурод Муҳамадиев. — Бу эса бутун ҳудуд қамраб олинади, деганидир. Қолаверса, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган ҳудудий дастур доирасида аҳолига насллор чорва моллар харидини учун банклардан микрокредит олиш имконияти ҳам яратилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Пировард мақсад — ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, бир йил мобайнида Корея Республикаси, Хитой, Германия, Австрия, Италия, Франция, Буюк Британия, Литва, Бельгия, Иордания, Малайзия каби давлатлар ишбилармон доиралари вакилларининг юртимизга, ўзбекистонлик тадбиркорларнинг эса чет элларга ташрифлари уюштирилгани натижасида қурилиш, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноати йўналишида 56 та қўшма корхона ташкил этилди. Айни пайтда уларнинг барчаси барқарор фаолият юритиб, ўз маҳсулотларини маҳаллий ва хорижий буюртмачиларга етказиб бераяпти.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга умумий қиймати 3 триллион 392 миллиард сўмлик ва 36,4 миллион АҚШ долларилик 54 минг 115 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг аксарияти ишбилармонлар фойдасига ҳал этилгани диққатга сазовордир.

Буларнинг барчаси палатада Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари ва соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани самарасидир.

Йиғилишда ўтган йил давомида амалга оширилган шу каби ишлар сарҳисоб қилиниши баробарида, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУЛАЙ ШАРОИТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТ

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаяпти





Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарувчи навбатдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Негаки, айнан шу қарор асосида ташкил этилган Жамғармамиз зиммасига тадбиркорларга чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга йўналтиришда зарур ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларни ташқи бозор хатарларидан ишончли ҳимоялаш сингари кўплаб вазифалар юклатилди. Ўз навбатида, Жамғармамиз ҳам ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда, бизнес вакиллари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ассортименти ва турларини таҳлил этиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тадбиркорлик субъектларининг экспорт имкониятларини баҳолаш борасида муайян тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш юзасидан ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилиши туфайли улар томонидан умумий қиймати 1,25 миллиард АҚШ долларилик шартномалар тузилди. Якунда эса 700 нафарга яқин ишбилармонлар 850 миллион долларлик маҳсулотни чет эллик ҳамкорларига етказиб берган бўлса, 54 та ишлаб чиқариш корхонасида халқаро стандартлар талаблари асосида сифат менежменти тизими жорий этилди.

Бунда, албатта, мутахассисларимиз томонидан 173 та мамлакат бозори ўрганилиб, уларда Ўзбекистоннинг кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш саноати маҳсулотларига, шунингдек, сайёҳлик, ахборот технологиялари, транспорт ва бошқа хизматларига эҳтиёж борлиги аниқланган, доимий равишда янгиланиб борувчи, ўз ичига 19 мингдан ортиқ саноат корхоналари ҳақида маълумот берувчи база шакллантирилгани ҳам қўл келди. Ушбу маълумотларнинг Жамғармамиз расмий веб-сайтида мунтазам жойлаштирилаётгани эса тадбиркорларимиз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган хорижлик ишбилармонлар сафи кенгайишида муҳим омил бўлаётир. Бир йил давомида сайтимизга 80 га яқин давлатлардан фойдаланувчилар кириб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олгани ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, 80 дан ортиқ тадбиркорларимизнинг Германияда бўлиб ўтган "Яшил ҳафта — 2014", Хитойда ташкил этилган "Умумхитой халқаро саноат кўргазмаси", "Hong Kong International Wine and Spirits Fair", "ProWine China — 2014" сингари халқаро кўргазмаларда иштирок этгани ҳам уларнинг жаҳон бозорига чиқишлари учун пухта замин яратди. Чунки ана шу тадбирлар доирасида маҳсулот ва хизматлар экспорти бўйича умумий қиймати 67 миллион АҚШ долларилик келишув битимлари имзоланди. Қолаверса, бундай алоқаларни мустаҳкамлашда маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш ёки иқтисодиётимиз тармоқларига инвестициялар жалб этиш бўйича келишувларга эришилгани ҳам диққатга сазовордир.

Айни пайтда Корея Халқаро савдо ассоциацияси (KITA) ўртасида экспорт борасида 41 миллион долларлик шартнома тузилган бўлса, Сингапурнинг "JA International Group of Companies" халқаро ташкилоти билан имзоланган меморандум доирасида "Электрон савдо майдони"ни яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Бундай чора-тадбирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Бунинг учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, 12 та халқаро кўргазма ва ярмаркада қатнашиш, 60 та корхонада жаҳон стандартларига мос сифат тизимини татбиқ қилиш, 3 мингдан зиёд ишбилармонларни экспорт фаолиятига жалб этиш режалаштирилаяпти. Пировардида тадбиркорларимиз учун бир миллиард доллардан ортиқ маҳсулот ва хизматларни хориж давлатларига сотиш имконияти яратилади.

Мухтасар айтганда, Жамғармамизнинг бу каби ишлари иқтисодиётимизни янада юксалтириш орқали Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига экспортчи давлат сифатида танитишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизни бундан-да тараққий эттиришнинг, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир.

**Жаҳонгир МУСТАФОЕВ,**
**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори.**



ИСПАНИЯнинг "Observatorio Asia Central" ахборот-таҳлил порталида «Ўзбекистон учун янги иқтисодий дастур» сарлавҳаси остида мақола эълон қилинди.

**Бухоро томонларда**

*“Ромитан савдо” масъулияти чекланган жамияти новвойхонасида 200 дона ширмойнон тайёрлаш учун 16 дақиқа кифоя қилмоқда.*

## 16 дақиқада 200 дона ширмойнон

— Хориждан 600 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий технологик линия харид қилганимиздан кейин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кетадиган вақт деярли икки баравар қисқарди, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Нодира Бозорова. — Иш тўлиқ автоматлаштирилган. Унни элашдан тортиб, зувалани тайёрлаш, ўлчаш, хуллас, барча юмушни “ақлли машина”нинг ўзи бажаради. Биз айни пайтда аҳоли дастурхонига 8 турдаги маҳсулотни тортиқ этаяпмиз.

## Замонавий шифохона

*Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири — Олотда туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси янги бинода иш бошлади.*

Бунинг учун давлат бюджетидан 2 миллиард 750 миллион сўм сарфланди. 60 ўринга мўлжалланган мазкур муассасанинг қабулхона, диагностика, реанимация, жарроҳлик бўлимлари энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу қулайлик аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини ишончли тарзда муҳофаза этиш, даволаш ишлари самарадорлигини ошириш имконини беради.

Эътиборлиси, ўтган йили бу ерда туман марказий поликлиникасининг замонавий биноси ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

*Алишер Навоий дўстликни ниҳоятда қадрлаган. Дўст, унинг наздида, биринчи навбатда, суянчиқ, меҳрибон устоз, самимий маслаҳатчи ва жонкуяр ҳамдарддир. Шунинг учун бўлса керак, шоир асарларида содиқ дўстлар ҳақидаги нақл ва ривоятлар, дўстликни улуғловчи мисралар кўплаб учрайди. Уларда инсон инсонни яхши кўриши, уни ардоқлаши зарур, деган ғоя илгари сурилади. “Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак”, дейди бир ўринда.*

# «Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак»



Маълумки, Саййид Ҳасан Навоийдан ёш жиҳатидан анча улуғ бўлган. У Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла, Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур бирин-кетин тахтга ўтирган йиллар уларнинг ҳамсуҳбати бўлган аллома эди. Ўзининг оддийлиги, камсуқумлиги ва хушмуомалалиги билан каттаю кичикнинг меҳрини қозонгани боис жуда кўп ёшлар суҳбат қуриш учун унинг ҳузурига боришга иштиёқманд бўлган. Навоийнинг ёзишича, ҳар ким унинг уйига келар бўлса, “Бизга лутф айлаб, кулбамизга қадамранжида қилсангиз, биз сизнинг хизматингизда бўлурмиз”, деб катталарга қандай ҳурмат кўрсатса, ёшларга ҳам шундай мурожаат қилар экан.

Навоий дўстликдек бебаҳо неъматни асраб-авайлашга чақиради. Унинг Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадга бағишлаб ёзган асарлари шунчаки хотиралар мажмуи эмас, балки уларда дўстлик аталмиш олий қадриятнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, инсонларни уни қадрлашга даъват қилиш мақсади ётади.

Алишер Навоий ўз дўстлари ҳақида ёзганда, уларни юксак эҳтиром билан васф этади. Масалан, Абдураҳмон Жомий Навоийга устоз мақомида бўлган дўст эди. Уларнинг дўстлиги шу қадар буюк, мусаффо, самимий эдики, буни таърифлашга сўз ожиздир. Уларнинг яқинлиги шу даражада эдики, дунёқарашлари, фикр-мулоҳазалари, интилиш ва ўй-хаёллари бир хил бўлиб кетганди.

Ҳазрат Навоий дўстларидан кўпдан-кўп эзгу фазилатларни ўзлаштирди, ўз ҳаётида улардан ибрат олди. Навоийга устоз мақомидаги зотлардан яна бири Саййид Ҳасан Ардашердир. Навоий ўзининг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида бу инсоннинг ибратли фазилатларига қайта-қайта тўхталади.

Саййид Ҳасан шундай инсон эдики, дейди Навоий, ипак билан намат ўртасида тафовут кўрмайдиган даражада нафсини маҳкам жиловлаган эди. Ҳар қанча изтироб юзланмасин, сабр билан енгарди. Саййид Ҳасан Ардашер Навоийни фарзандим, деб алқашини шоир фахр билан таъкидлайди.

Саййид Ҳасан Ардашер мансабпарастликни қаттиқ қоралаган. У айтади: “Мансабпарастлик мастлик кабидир. Аммо у чоғир мастлигидан фарқ қилади. Чоғир ичиб маст бўлган киши қилган иши ва сўзини назорат қила олмайди. Оқибатда одамларга озор бериши, нотўғри хатти-ҳаракатлар қилиб қўйиши мумкин. Сархуш бўлгандан кейин ўз ишидан пушаймон қилади. Аммо бундай сархушлик бир кун давом этади. Мансаб мастлиги эса, токи инсон мансабдор экан, давом этади. Инсон мансабда бўлгач, ўзини идора қилса, яхши, аммо оёғи ердан узилиб, нафсга берилса, кўп хатоликлар қилади”.

Навоий, шунингдек, улуғ мансабларни эгаллаганда ҳам ҳамиша давлат ва халқ манфаатини биринчи ўринга қўйган. Ўз вазифасини ҳалол бажарган. Саййид Ҳасан Ардашер айтар экан: “Тошқозон ва лаъл тош ҳар иккаласи тошдир. Тошқозонда лаззатли таомлар пиширилади ва ундан одамларга наф бордир. Лаъл эса қимматбаҳо бўлгани билан ундан одамларга фақат зарар етади. Агар халққа манфаати бўлмаса, ундай қимматбаҳо тошдан не наф?”

Саййид Ҳасаннинг ўгитлари Навоий учун ҳаётий сабоқ бўлганига шубҳа йўқ.

Паҳлавон Муҳаммад Навоийнинг ёшликдан бирга ўсиб улғайган дўстларидан биридир. Навоий уни қирқ йиллик қадрдоним, “маҳрами сирри ниҳоний”, деб атайди.

Бундан чиқадики, уларнинг ўртасида яширин сир бўлмаган. Паҳлавон Муҳаммад курашларда кураги ерга тегмаган полвон бўлиш билан бирга, мусиқа илмида замонасининг машҳурларидан, тиббиёт, шеърият, фалсафани чуқур тушунган. Хотираси жуда ўткир, яхшигина ҳофизи Қуръон бўлган.

Паҳлавон Муҳаммад Навоийни жуда эъзозлаган. Ҳамиша ҳамдард бўлиш, яхши-ёмон кунларида ёнида туришга ҳаракат қилган. Алишер Навоийнинг қайд этишича, йигитлик айёмида давр ва замон балолари бошига ёғилиб, Машҳадга борганда, оғир хасталикка чалинади. Табиб уни муолажага буюради. Бу ишни паҳлавон ўз зиммасига олади.

Шундай муолажа пайтида Паҳлавон Навоийнинг чўнтагида қоғоз борлигини кўриб қолади. Аста олиб қараса, янги ёзилган етти байтли ғазал экан. Ёнига қўйиб, дарҳол ёдлаб олади. Сўнг билинтирмай шоирнинг чўнтагига қайтадан солиб қўяди.

Муолажадан сўнг ўртада суҳбат бошланади. Паҳлавон “Сен ўз шеърларинг билан анча машҳур бўлиб қолдинг, шеър фарқлашга тажрибанг етади, айт-чи, туркигўй шоирларнинг қайси бирини афзал биласан?” дейди. Навоий Лутфийни кўрсатади. Паҳлавон эътироз билдириб, “Нега Сайид Насимий турганда Лутфийни маъқул кўрасан?”, дейди. Навоий “Насимий ботиний маънодаги шеърлар ёзади, сенинг сўрашингдан мақсад зоҳирий маънода ёзгувчи шоир эмасмиди?”, дейди.

Паҳлавон Насимийнинг шеърлари ботиний бўлса ҳам, зоҳирий талқин қилиш мумкинлигини айтиб, “Мана бу шеърини эшит”, дейди ҳамда Навоийнинг янги ёзган шеърини ўқиб беради. Навоий ҳайрон бўлади ва чўнтагига қўлини солиб кўрса, қоғоз турибди. “Бу шеърни қачондан бери биласан?”, деса, Паҳлавон “Ўн икки йил олдин Абулқосим Бобурнинг бир ўтиришида шу шеър ўқилганди, менга ёқиб қолиб, ёдлаб олгандим”, дейди. Навоий баттар таажжубланади.

Паҳлавон эрталаб келганда, Навоий яна ўша шеър ҳақида сўз очиб, ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда шу шеърни эшитганми-йўқми, билишга қизиқаверибди. Шунда Паҳлавон ўша пайтларда мен билан бирга бўлган бошқа полвонлар ҳам шу шеърни ёдлаб олгандилар, деб ўзи билан олиб келган 3-4 курашчидан ҳам шеърни ўқиб беришларини сўрабди. Улар ҳам унинг фикрини маъқуллаб, ғазални бирин-кетин ўқиб беришибди. Навоий ғоятда ажабланибди. Хуллас, маълум бўлишича, Паҳлавон мазкур ғазални бошқа полвонларга ҳам ёд олдириб келган экан.

Паҳлавон Муҳаммад дўстининг руҳан эзилаётганини кўриб, унинг бир оз чалғиши, дардини унутиши учун шу усулни ўйлаб топганлигини Навоий ўзига хос миннатдорлик ва завқ билан эслайди.

Дўст садоқати, вафоси, мушфиқу ҳамдамлиги инсонга оғир қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишда ёрдам берувчи улкан қувват. Навоий ана шундай манбани дўсти Паҳлавон Муҳаммадда кўради.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Франциянинг “BNP Paribas” банки ўтган йилнинг тўртинчи чорагида 1,3 миллиард евро миқдорида соф фойда олишга эришганини маълум қилди.*

## Фаолиятида ижобий натижа



Бу 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 110 миллион евро кўпдир. Молия муассасасининг жами даромади эса 10,15 миллиард еврони ташкил этди.

Шунингдек, икки йиллик қийинчиликлардан сўнг Испаниянинг “Santander” банки фаолиятида ҳам ижобий натижалар кузатила бошланди. Хусусан, у 2014 йилни 1,46 миллиард евро миқдоридаги соф фойда билан якунлади.

Изоҳланишича, бундай ижобий ҳолат мамлакат иқтисодиёти ва тураржой бозори ўнгланаётгани, қолаверса, кредитлаштириш тизими сезиларли даражада фаоллашгани билан боғлиқ.

## Парвозлар қолдирилди

*Кучли қор ёғаётгани туфайли Японияда юзга яқин авиарейслар бекор қилинди.*

Жумладан, “All Nippon Airways” компанияси ички йўналишларда 46 та, “Japan Airlines” эса 50 та парвозни амалга оширмаган.

Маълумотларга кўра, ёғингарчилик бугун ҳам давом этади. Шу боис айрим ҳудудларда қорнинг қалинлиги 40 сантиметрга етиши мумкинлиги тахмин қилинаяпти.

## Электр узатиш тизимидаги носозлик

*Финляндиядаги “Олкилуото” атом электростанциясидаги иккита блокдан бири ишламай қолди.*



Натижада электр энергияси узатиш тўхтаган. Бундай ҳолат камида бир кеча-кундуз давом этиши мумкинлиги айтилмоқда. Мутахассислар мазкур ҳолатга сабаб нима эканини аниқлашга уринишаяпти. Дастлабки тахминларга қараганда носозлик блокнинг генераторида юзага келган. Аммо бу ҳали якуний хулоса эмас.

АЭСдаги кўнгилсизлик аҳолига ҳеч қандай хавф туғдирмаган. Унинг биринчи блоки барқарор ишлаб турибди.

## Музей биноси сотувга қўйилди

*Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги Мадам Тюссо музейи биноси сотувга қўйилди.*

“Financial Times” нашрида қайд этилишича, унга 300 миллион фунт стерлинг миқдорида нарх белгиланган. Айни пайтда мазкур иншоотдан “Merlin Entertainments” компанияси ижара асосида фойдаланмоқда.

Мадам Тюссо музейи Лондоннинг энг кўп томошабин ташриф буюрадиган диққатга сазовор ўнта масканидан бири ҳисобланади. Унда машҳур инсонларнинг мумдан ясалган ҳайкаллари сақланади.

## Номи ўзгариши мумкин

*“Барселона” футбол жамоасига қарашли “Камп Ноу” стадиони яқин орада клуб ҳомийларидан бири номи билан юритилиши мумкин.*



“Биз ҳозир шу масала бўйича клуб раҳбарияти билан музокара олиб бораяпмиз. Агар келишувга эришолсак, стадион “Камп Ноу Қатар Эйрвэйс” дея аталади”, дейди “Қатар Эйрвэйс” компанияси директори Акбар ал-Бакир.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, “Камп Ноу” стадиони 1957 йилда фойдаланишга топширилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН ●

**«BEBAHO MULK DIYORI» МЧЖ**

**риэлторлик корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 16-1407/10098-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Аҳадбек-Асадбек Торг Сервис» Х/Кга тегишли, Наманган шаҳри, Гўзал даҳасида жойлашган, умумий фойдаланиш ер майдони 710,23 кв.м., қурилиш ости майдони 710,06 кв.м. ва умумий фойдаланиш майдони 559,09 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 февраль куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2015 йил 20 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Bebaho mulk diyori» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000500212947001, МФО: 00223, СТИР: 302588248.

**Аризалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, 6-микрорайон, Қуқумбой шоҳкўчаси. Телефонлар: (0-369) 232-16-00, 346-54-46. E-mail info@naf.uz. www.naf.uz**

Хизматлар лицензияланган.

175R/111

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-уйда жойлашган, ер майдони 4611,0 кв.м. бўлган чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**2.** 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м. бўлган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**3.** 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чилонзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**4.** 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тусметов кўчасида жойлашган, тураржой майдони 792,0 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м. бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**5.** 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 836,0 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**6.** 2012 йил 12 февралдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ маҳалласида жойлашган, тураржой майдони 643,0 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган дала-ҳовли бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.***

**7.** 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 февраль куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

183R/24

**«REAL AUKSION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан аукцион савдосига қуйидаги ускуна ва жиҳозлар қўйилмоқда:

**1.** 12-1301/11670-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қўрғонида сақланаётган макарон ишлаб чиқариш ускунаси.

***Бошланғич баҳоси — 349 402 150 сўм.***

**2.** 11-1331/12059-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қўрғонида сақланаётган «AG 56/1000-M4» русумли тегирмон.

***Бошланғич баҳоси — 1 350 070 383 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 27 февраль куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан соат 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган ускуна ва жиҳозлар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real auksion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

*Гувоҳнома № 006795.*

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

184R/28

**ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»**

**МАТЕРИАЛ РУЛОННЫЙ КРОВЕЛЬНЫЙ И ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫЙ**

**NURIZOL NURFLEX**

**Фольгоизол предназначен для:**
- покрытия кровли
- создания новой и ремонта старой кровли зданий
- гидроизоляции стен и фундамента
- гидроизоляции бассейнов, тоннелей, мостов и других сооружений

**Эксплуатационные качества, подходящие для любых климатических условий:**
- влагоустойчивость
- долговечность
- высокие изолирующие свойства

**Услуги по укладке мягкой кровли**




**Тел.: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96; f.kafolat_ok@mail.ru; nurizol.uz**

04R/198


Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси институт ходими Саидмаҳмуд Мамажоновга падари бузруквори

**Абдуқодир МАМАЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz




АНДИЖОНда “Наврўз ялласи — 2015” кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда фаолият юритувчи бадиий жамоалар қатнашди.

# Барқарор, ишончли ва истиқболли

**Дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини ана шундай баҳоламоқда.**

*Бугунги тезкор замонда банкларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Хусусан, йирик саноат корхоналари фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам, банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши чуқур маъно-мазмунга эга. Бинобарин, Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида молия муассасалари ҳақида тўхталиб, “Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди”, дея алоҳида таъкидлади.*

*Миллионлаб мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатиб, обрў-эътибор қозонаётган ана шундай банклар қаторида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳам муносиб ўрни бор. Мазкур молия муассасаси иқтисодий ислоҳотлар жараёнига сезиларли улуш қўшиш, хусусан, соҳа инфратузилмаси ҳамда базавий тармоқларини ривожлантиришда фаол қатнашмоқда.*

*Ҳозирги кунда банкнинг ҳар томонлама барқарорлиги халқаро молия доираларида ҳам юксак эътироф этилмоқда. Мана, олти йилдирки, жаҳоннинг энг нуфузли икки халқаро рейтинг компанияси — “Standard & Poor's” ва “Fitch Ratings” “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини барқарор, ишончли ва истиқболли, дея баҳоламоқда.*

*Агар мушоҳада юритиб кўрадиган бўлсак, ушбу молия муассасаси илк бор халқаро рейтинг олган 2008 йилда бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз аломатлари сезила бошлаган ва банкларнинг ўз ҳолатини сақлаб қолиши амримаҳол бўлиб қолган эди. “Ўзсаноатқурилишбанк” ана шундай мураккаб даврда ҳам ўсишга эришиб, эндиликда жаҳон молия бозорида муносиб ўрнини топишга интилаётганини исботламоқда.*

*Албатта, эришилаётган муваффақиятларда Президентимизнинг юртимизда банк тизимини ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш бўйича гоя ва ташаббуслари, соҳага доир Фармон ҳамда қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.*

*“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг асосий эътибори ўзининг молия бозоридаги мавқеини янада ошириш, уни ривожлантиришда ижобий кўрсаткичларга эришиш, банк капитали, активлари ва ресурслар базасининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, мижозлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларга яқиндан кўмаклашиш молия муассасасининг фаолият мезонига айланган.*

*Айни шу жиҳатдан “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасининг бугунги самарали фаолиятидан мижозлар мамнун. Буни молия муассасасининг кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда, ҳам оиласини боқиб, ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

O'ZSANOATQURILISHBANK

Яқин-яқингача фармацевтика саноати ҳақида гап кетганда, кўз олдимизга, аввало, хорижнинг дунёга машҳур компания ва фирмалари ёрлиғи туширилган дори-дармонлар келарди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар шарофати туфайли инсон соғлиғи учун керакли бўлган ана шундай сифатли дори-дармон воситаларини эндиликда ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Пировардида ички бозорда истеъмолчиларга таклиф этилаётган импорт ўрнини босувчи, экспортбоп фармацевтика маҳсулотларининг тури тобора кўпайиб бораётир.

Реклама ўрнида

## Йилига 6 миллиард сўмлик маҳсулот

**Б**унда бизнинг жамиятимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Корхонамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” Сурхондарё вилояти минтақавий филиалининг 2,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредитидан фойдаландик. Ажратилган ушбу сармоя бугунги кунга келиб, ўзини тўлиқ оқлади. Яна бир муҳим жиҳати, 53 та иш ўрни яратилди.

Ҳозир корхонамизда 12 хилдан ортиқ дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Ички бозорни йилига 6 миллиард сўмлик маҳсулот билан таъминлаяпмиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кун ошиб бораётгани бунга мисолдир.

2015 йилда жамиятимизнинг асосий мақсадларидан бири корхона соф фойдасини янада кўпайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар билан бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари яратишдан иборат. Хусусан, жамоамизда ҳали мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган 33 турдаги дори-дармон воситаларини тайёрлашга киришади. Зеро, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, “Ўзсаноатқурилишбанк” сингари молия муассасаларининг кўмаги бизни ана шундай марралар сари руҳлантирмоқда.

**Ойгул НАЗАРОВА,**
**«Nova-Farm» МЧЖ бош ҳисобчиси.**
Сурхондарё вилояти

### Факт ва рақамлар

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми ўтган йили 2013 йилдагига нисбатан 1,2 баробар ошди. Банк сармоялари нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз ободлиги йўлида беқиёс улуш бўлди.







Мазкур йирик молия муассасаси томонидан якунланган йилда ҳам ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Жумладан, ушбу соҳага ажратилган қарийб

**650** миллиард сўм миқдоридаги

кредитлар ҳисобидан 15 мингта иш ўрни ташкил этилди.




Ҳар бир тижорат банкининг салоҳияти унинг етарли даражада капиталга эга бўлишига боғлиқ. Шу маънода, “Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакатимизнинг ана шундай молиявий жиҳатдан барқарор, етакчи инвестициявий марказларидан бири саналади. Мазкур банк киритаётган инвестициялар молия муассасасининг ички манбаларини оширишз ҳисобидан амалга оширилмоқда.

* * *

“Ўзсаноатқурилишбанк” замонавий ва ҳамма учун қулай бўлган интерактив банк хизматларини кўрсатаётганлиги туфайли айни пайтда унинг мижозлари сони 1 миллионтадан ошиб кетди.

## Фоизидан фойдаси кўп

*Мустақиллигимиз шарофати билан бугун барчамиз фаровон, бахтли ҳаёт кечиряпмиз. Ҳатто жаҳоннинг қатор давлатларида молиявий инқироз ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган бир шароитда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганимиз эътиборга лойиқ. Масалан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани, жорий йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилаётгани мамлакатимиз барқарор ривожланиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Буларнинг барчаси, албатта, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.*

**Г**арчи биз республикамизнинг чекка ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлсакда, эзгуликка йўғрилган ушбу сиёсат самараларини ўз жамоамиз фаолияти мисолида доимо ҳис қилиб турамиз. Ўтган давр мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда кўплаб қулайликлар жорий этилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз ҳам яратилаётган бундай катта имкониятлардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларга эришмоқда. Бунда “Ўзсаноатқурилишбанк” Хоразм минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида ўтган йили шу филиалдан 130 миллион сўмлик фоизи кам, аммо фойдаси кўп бўлган имтиёзли кредит олган эдик. Бунинг самараси ўларок, бир кунда қарийб 2000 дона нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди, маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2-3 баробар ошди, қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Табиийки, ушбу ютуқлар билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз. Фаолиятимизни янада ривожлантириб, даромадимизни ошириш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз. “Ўзсаноатқурилишбанк”дек ишончли ҳамкоримиз борлиги бизнинг ана шу мақсадларимизга эришишимизда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ҚОДИРОВ,**
**«Хоразм кафолатли қурилиш» МЧЖ раҳбари.**
Хоразм вилояти

## Чинакам кўмакчи

*Кўп йиллардан буён “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Самарқанд минтақавий филиали мижозимиз. Корхонамизнинг иқтисодий юксалишида мазкур молия муассасаси яқиндан кўмак бериб келмоқда. Жумладан, банк томонидан паррандачиликни ривожлантириш мақсадида икки йил муддатга имтиёзли кредит ажратилган эди. Ана шу маблағ эвазига 15 минг дона 1 кунлик жўжа ва омихта ем харид қилинди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни юритиш учун айланма маблағга ҳам эга бўлдик.*

**Б**угунги кунда корхонамиз йилига 30 минг дона товуқ етиштириб бериш қувватига эга.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корхонамизда товуқ тухумлари учун флейка тайёрлашни йўлга қўйишни режалаштиргандик. Бу борадаги лойиҳамизни қўллаб-қувватлашини сўраб банкка мурожаат қилдик. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан Хитой Давлат тараққиёт банки кредит линияси маблағлари ҳисобидан зарур ускуна сотиб олишимиз учун 5 йил муддатга 110 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Натижада корхонамизга бир кунда 10 минг дона флейка тайёрлаш қувватига эга ускуна олиб келиб ўрнатиб, ишлаб чиқаришни бошлаб юбордик. Шу асосда қўшимча 10 та иш ўрни ташкил этилди.

Корхонамиз фаолиятида эришилаётган муваффақиятлар давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

**Шаҳбоз НАИМОВ,**
**«Tepalik Zamin Bunyod» МЧЖ раҳбари.**
Самарқанд вилояти

**Х**улоса сифатида шуни айтиш мумкинки, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг молиявий кўмаги билан ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Айни пайтда мазкур банк жамоаси мақсадли кредит қўйилмалари миқдорини янада кенгайтириш чораларини кўраяпти. Бу тез орада бугунгидан-да салмоқли натижалар бериши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қилинган ишларга холис, танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан қараш, дадил ва ишонч билан қадам ташлаш, эришилган ютуқлар билан кифояланмасдан, ёруғ истиқбол сари интилиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Булар, албатта, “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, банк миллий молия тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, саноатни модернизация қилиш жараёнида фаол қатнашиш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг устувор мақсадларидан бири, деб билади. Шундай экан, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бутун фаолияти Юртбошимиз раҳнамолигида ўз кележагини ўз қўли билан яратаётган бағрикенг халқимизнинг фаровонлиги, буюк ва мустақил Ватанимизнинг тараққиёти, ободлиги йўлида олиб борилаётган эзгу ҳамда кенг қамровли ислоҳотларга қаратилаверади.

**Ф. САНАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

WWW.XS.UZ

ҚАРШИ давлат университетининг талабаси Мурод Эгамбердиев салкам беш аср муқаддам яратилган ва жуда ноёб ҳисобланган “Сирғайи гумбаз” зирагини қайта тиклади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5